



ЁШЛАР ОРАСИДА ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР СОДИР ЭТИЛИШИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Абдумалик Каримов

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети мустақил тадқиқодчиси
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7747701>

ARTICLE INFO

Received: 06th March 2023

Accepted: 17th March 2023

Online: 18th March 2023

KEY WORDS

Ёшлар, терроризм,
экстремизм, қарши курашиш,
жалб этиш, ҳуқуқбузарлик,
таъсир этувчи омиллар.

ABSTRACT

Мақолада ҳозирги кунда ёшларни интернет тармоқлари орқали экстремистик ва террорчилик ташкилотларга жалб қилиш жараёни ва бу жараён нафақат Ўзбекистон Республикасига балки Малказий Осиё ва бутун жаҳонда жиддий ҳавф сифатида баҳаланиб, унга қарши кураш масалларига ҳалқаро миқёда ҳамжиҳатлик зарурати хусусида фикр юритилади.

Маълумки, бугунги кунда, терроризм ва экстремизм нафақат минтақамиз, балки бутун дунё давлатлари хавфсизлигига таҳдид солувчи глобал таҳдидлардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу нуқтаи назардан, терроризм ва экстремизм билан миллий даражада эмас, балки, халқаро миқёсда курашиш талаб этилмоқда.

Мазкур йўналишда хавф-хатар, таҳдид ва таҳликалар сақланиб қолаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси кенг жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият билан биргаликда экстремизм ва терроризм ҳамда уларни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Хусусан, муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Бирлашган миллатлар ташкилотининг Халқаро Конвенциясини ишлаб чиқиш ҳамда Бош Ассамблеянинг “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббуслари барча давлатлар томонидан қўллаб-қувватланган.

Натижада Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси 50 дан ортиқ давлатларнинг ҳамжиҳатлигида қабул қилинди.

Бундан ташқари, юртимиз фуқароларига ўз эътиқод эркинликларини эмин-эркин амалга оширишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ёт ғоялар таъсирига адашиб тушиб қолиб, узоқ йиллардан буён ҳудудий ИИБлар рўйхатида турган 20 мингдан зиёд фуқаролар “махсус ҳисоб”дан чиқарилиб, ҳаётларини янгитдан бошлашлари учун кенг имкониятлар берилмоқда мазкур хайрли ишлар қисқа фурсатларда ўз самарасини бермоқда.



Шунингдек, мухтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан 2021 йил 1 июлда қабул қилинган “2021-2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6255-сон Фармон[1] мазкур соҳадаги туб ислохотларни янги босқичга олиб чиқди.

Ушбу стратегиянинг устувор йўналишларидан бири этиб - вояга етмаганлар ва ёшлар орасида экстремизм ва терроризм ғоялари тарқалишининг олдини олиш этиб белгиланди.

2022 йилнинг 20 декабрь куни Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “Бутун дунёда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарлар, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Лекин такрор айтаман, мусулмон умматига сабоқ берган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк уламолар етишиб чиққан бизнинг диёримизда бу борада адашганлар, радикализм ва экстремизм ғояларига берилганлар бўлиши мумкинми?

Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан заҳарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз” деб таъкидладилар.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда терроризм ва экстремизмга қарши курашда **“Жаҳолатга қарши маърифат”** тамойили асосида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2018 йил 19 сентябрда қабул қилинган 5542-сонли **“Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган ўзбекистон республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони[2] қабул қилинди.

Фуқароларимизни турли экстремистик ва террористик ташкилотлар таъсиридан асраш, бузғунчи ғоялар тўрига тушиб қолишларини олдини олиш, уларга ислом динининг **асл моҳиятини англатиш мақсадида**, юртимизда **3 та** олий ислом билим юртлари – **“Тошкент ислом институти”, “Мир Араб олий мадрасаси”** (Бухоро ш.) ва **“Ҳадис илми мактаби”** (Самарқанд в., Пайариқ т.) ташкил этилган.

Яратиб берилаётган имконият ва шароитларга қарамасдан баъзи фуқароларимиз билиб-билмай турли диний экстремистик оқимлар гирдобига тушиб қолмоқдалар. Бугунги кунда, глобаллашув жараёнида ёшлар учун интернет муҳим маълумотлар ва иш манбайи бўлиши билан бирга, ғаразли ниятли кимсалар томонидан ўзларининг қабих режаларини амалга ошириш учун муҳим бир омилга айланиб бормоқда. Уларга дунё миқёсида юзага келган ахборот хуружи қўл келмоқда, чунки ёшларнинг каттагина қисми интернетдан фаол фойдаланади.

Аввало, ушбу йўналишда аниқланган жиноятлар сонига қараб эмас, жиноятларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида кенг қамровли тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришга асосий эътибор берилмоқда.

Мазкур тадбирлар кенг қамровда олиб борилишига қармасдан экстремистик ва террористик ташкилотларнинг Сурия ва Ироқ каби давлатларда ўзларининг



жинояткорона мақсадларини амалга оширишга уринишлари натижасида нафақат ушбу давлатлардаги сиёсий вазиятни, ҳаттоки ижтимоий ва иқтисодий вазиятни ҳам издан чиқаришга эришдилар.

Афсуски, сўнги вақтларда юқоридаги каби уринишлар Ўзбекистон Республикасида ҳам учраётганлиги, берилаётган ахборот эркинлиги ва ошкораликдан фойдаланиб, давлат сиёсати ва амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларга ҳам диний мутаассиблик ва экстремистик нуқтаи назардан баҳо бериш ҳолатлари учрамоқда.

Ақидапараст оқимлар ўзларининг жирканч фаолиятини меҳнат мигрантларини таъсир доирасига олиш, экстремистик мазмундаги материалларни электрон кўринишда тарқатиш, Интернет орқали тарғибот ўтказиш каби усулларда амалга оширмоқда.

Афсуски бу ҳақиқатдан йироқ бўлган фикрлар, ёшларнинг муайян қисмини “Ислом давлати” террористик ташкилотини ҳақиқатда ҳам ислом динини бутун дунёга тарқатиш, исломий давлат барпо этган ҳолда дунёда адолат ўрнатишни мақсад қилган ташкилот деб ҳисобламоқдалар. Бундай фикрловчилар Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам мавжуд экани ҳеч кимга сир эмас. Бундай ёшлар юқорида қайд этилган ҳудудларда инсонларга қарши содир этилаётган жиноятларни гўёки халифалик қуриш учун жоиз амал ҳисоблаб, қаттиқ адашмоқдалар. Аслида, мутаассиб оқим аъзоларининг мақсадлари “жиход”, “ҳижрат”, “шаҳидлик”, “такфир” каби диний тушунчаларни сохта талқин қилиш орқали ёшларимизни оиласи ва яқинларининг таъсиридан чиқариш, ўқиш ёки ишидан ажратиб олиш ҳамда уларни қуролли тўқнашувлар кетаётган Сурия, Ироқ ва бошқа мамлакатларга жўнатиб, манқурт-жангари ёки “ўз ўзини портлатиш”га айлантиришдан иборат.

Ушбу жараёнларда ҳалқаро экстремистик ва террористик ташкилотлар ёлловчилари томонидан Сурия ва Ироқ ва бошқа давлатлар ҳудудларида олиб борилаётган жанговар ҳаракатларда иштирок этиш ва билвосита Марказий Осиё давлатлари ҳудудларида қўпоровчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун аҳоли орасида олиб борилаётган фаол ёллаш ишлари сабаб бўлмоқда.

Мазкур ташкилотлар ўз мақсадларига эришиш йўлида қуйидаги ишларни амалга ошириб келмоқдалар:

- миллий, ирқий, этник ва диний адоватларни қўзғатиш;
- фуқароларни тўғридан-тўғри ва масофадан (*интернет тармоғи орқали*) ғоявий ишловдан ўтказиш;
- террорчининг ижобий образини яратиш;
- моддий қизиқтириш;
- мамлакатнинг ижтимоий муаммоларини бўрттириб кўрсатиш орқали давлатга ишончсизликни шакллантириш;
- ўзлари томонидан шарҳлаб ўтилаётган Ислом дини ва шарият қоидаларини илгари суриш каби ғояларни илгари сурмоқда.

Таҳлилларга кўра, Марказий Осиё давлатлари аҳолисини экстремистик ва ҳалқаро террористик ташкилотларнинг ёлловчилари таъсирига тушиб қолишларига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:



- ✓ Марказий Осиё давлатлари аҳолисининг асосий қисми ислом динига эътиқод қилишлиги;
- ✓ аҳоли ва айниқса ёшлар орасида диний ва ҳуқуқий тушунчаларнинг етарли даражада шаклланмаганлиги;
- ✓ ёшларни бўш вақти тўғри тақсимланмаганлиги ҳамда ота-она назорати;
- ✓ динга бўлган эътиқодни (*қизиқиш*) кучлилиги;

Юқорида кўрсатиб ўтилган экстремистик ва халқаро террористик ташкилотлардан ташқари, бугунги кунда Россия Федерацияси, Туркия ва Миср давлатларида меҳнат миграцияси мақсадида юрган ва олий ўқув юртларида тахсил олаётган Марказий Осиё давлатлари фуқаролари орасида “сохта салафийлик” радикал оқимининг тарафдорлари сони ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Мазкур оқим етакчилари томонидан ҳам аввал қайд этилган ташкилот ва оқимларнинг “ягона Ислом халифалигини тузиш” ғояси кенг тарғиб этиб келинмоқда.

Бундан ташқари, мазкур ташкилотлар ёлловчилари томонидан ёшлар орасида фаол тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилиши натижасида уларнинг таъсирига тушиб қолаётган ёшлар сони ҳам ортиб бормоқда.

Ёшларни ушбу оқимлар таъсирига тушиб қолишларига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

- ❖ ҳаётдаги йўналишини тўлиқ англаб олмаганлиги;
- ❖ қизиқувчанлик;
- ❖ диний тушунчаларни етарли даражада шаклланмаганлиги;
- ❖ Интернетдан фойдаланиш маданияти шаклланмаганлиги.

Диний экстремистик оқимлар ва халқаро террорчилик ташкилотлари ёлловчилари томонидан ёт ғояларнинг тарғибот ишлари жараёнида Интернет тармоқларидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Масалан жиноят ишлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, содир этган жиноятларни 60 фоизи интернет тармоғида экстремистик оқимлар ва террористик ташкилотлар таъсирига тушишган.

Сўнгги йилларда ушбу йўналишларда асосан Интернетнинг “Facebook”, “Instagram”, “Telegram”, “WhatsApp”, “Imo” ва бошқа кўплаб ижтимоий тармоқларидан фойдаланилмоқда. Бунинг сабабини ижтимоий тармоқларда ахборот алмашинувининг арзонлиги, соддалиги ва географик жойлашувларга боғлиқ бўлмаганлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар назоратига тушиш эҳтимолининг камлиги билан изоҳлаш мумкин.

Шу сабабли, халқаро террористик ташкилотлар ёлловчилари томонидан мазкур мессенджерларда виртуал жамоатлар тузиш орқали, дастлабки номзодлар танлаб олиниб, кейинчалик ушбу шахсларни ғоявий ишловлардан ўтказишида доимий равишда фойдаланилмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, террорчилар ҳақиқий инсоний туйғулардан узоқлашган, жамиятда қарор топган қонун ва тартибларни ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида ўзгартириб, фойдаланишга ҳаракат қилувчи шахслардир. Хавфли жиҳати шундаки, улар ўз бузғунчи ғояларини ёшлар орасида тарқатиш орқали бу каби



иллатларнинг янада кенг тарқалишига сабаб бўлади, ҳали онги шаклланиб улгурмаган фарзандларимиз маънавиятини бузишга уринади.

Бу борада, ёшларимизни бу каби турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишларини олдини олишда соғлом дунёқарашга эга бўлган, мамлакатмиз сиёсатини хар томонлама қўллаб қувватловчи, шу юртнинг келажаги ва ривожини учун хисса қўшишни асосий мақсад деб билган йигит қизларимиз жаҳолатга қарши маърифат ғояси асосида фаоллик кўрсатишлари давр талаби бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикасининг экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича 2021 — 2026 йилларга мўлжалланган Миллий стратегиясида қайд этилган асосий ғоянинг мазмуни, яъни экстремизм ва терроризм халқаро хавфсизликка, шу жумладан Марказий Осиёда асосий таҳдидлардан бири бўлиб қолаётган даврда бу иллатнинг таҳдидларига қарши курашиш Ўзбекистон Республикаси учун биринчи навбатдаги вазифалардан бири бўлиб, минтақа давлатлари ва халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни тақозо этади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6255-сон Фармон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги 5542-сонли “Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган ўзбекистон республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони.